

НЕЪМАТ АМИНОВ



ҚАҲҚАҲА

Қиссалар ва ҳикоялар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017



УЎК 821.512.133–3
КБК 84(5Ў)7-7
А 59

Аминов, Неъмат.

Қаҳқаҳа. Ҳикоялар / Н. Аминов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 572 б.

Неъмат Аминовнинг кўпчилик асарлари юксак ғоявий-бадий фазилатларга эга. Шунинг учун ҳам улар бир қатор қардош республикаларда ҳам китобхонларнинг эътиборини қозонган. Унинг ҳикоялари рус, украин, белорус, тожик, қozoқ, туркман, қалмиқ тилларига таржима қилинган. Бундан ташқари немис, поляк, чех, румин болгар, мўғул тилларида ҳам унинг айрим асарлари босилган.

Таниқли ёзувчи Неъмат Аминовнинг ушбу тўпламига «Елвизак» билан «Суварак» қиссаси ҳамда шу пайтга қадар нашр қилинган китобларидан энг сара ҳикоялар киритилди.

УЎК 921.512.133–3
КБК 84(5Ў)7-7

ISBN 978-9943-03-971-1

© Неъмат Аминов
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2017



ҲАЖВИЁТГА САДОҚАТ

Қўлингиздаги китоб муаллифи Неъмат Аминов билан 1971 йилнинг бошида танишган эдим. Орадан ўн беш йил ўтиб, унинг ҳақидаги мақолани шу хотирадан бошлаётган эканман, бунинг боиси бор, албатта. Ўшанда бир юмуш билан Гиждувонга йўлим тушиб қолган эди. Бухорога бориб, меҳмонхонага жойлашгач, эски кадрдоним истеъдодли шоир Тошпўлат Ҳамидга қўнғироқ қилиб, менга ҳамроҳ бўлишини сўрадим. Тошпўлат Ҳамид дарров кўнди. Эртасига каллаи саҳарлаб устмауст чалинган машина сигналидан уйғониб кетдим: одатдагидек Тошпўлат ваъдасига ортиғи билан вафо қилган эди... Машинада ўрта бўйли, миқти гавдали, қорамағиз, истараси иссиқ бир йигит ҳам бор экан. Саватдек жингалак сочлари унинг бошини гавдасига нисбатан каттароқ кўрсатиб турарди.

– Танишинг, – деди Тошпўлат. – Умидли ёшларимиздан: Неъмат Аминов!

Бунименга таниш эди – беш-олти йилаввал Абдулла Қаҳҳор газетада босилган бир ҳикояга диққатимни жалб этиб: «Ўқидингизми? – деб сўраган эди. – Анча пишик. Тили бурро. Бўладиган бола кўринади».

Ҳикояни ўқиб чиқдим – маъқул бўлди. Ҳикоя остига «Неъмат Аминов» деб имзо чекилганди. Шундан кейин «бўладиган бола»нинг асарларини кузата бошладим. Кўп ўтмай, унинг «Икки пуллик обрў», «Қирқ учинчи почча» китоблари босилиб чиқди. Адабий гурун-

ларда, Ёзувчилар уюшмасидаги йиғинларда, танқидий мақолаларда бот-бот унинг номи тилга тушиб қолди. Хуллас, мен ҳали Неъматнинг ўзини танимай туриб, ижоди билан тузуккини танишган ва шунга кўра, бу ёш қаламкашни хийла дуруст биламан, деб юрардим. Йўқ, ундай эмас экан. Ёждувон сафарида Неъматни янгитдан ўзим учун кашф қилдим, десам бўлади. Аввалига суҳбатимиз унча қовушавермади. Менинг узуқ-юлуқ саволларимга Неъмат тортиниб, камсуқумлик билан жавоб бериб борди. Шундай бўлса-да, унинг жавобларидан анча нарса билиб олдим: У 1937 йилда Ромитон туманидаги Питмон кишлоғида, темирчи уста оиласида туғилган, 1959 йилда Бухоро пединститутининг тарих-филология факультетини битириб, журналист сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган экан. Анчадан бери вилоят радиосида мухбир, адабий ходим, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган экан. Унинг оилавий ҳаётию ижодий режалари тўғрисида суриштирмоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган эдим, Тошпўлат бизнинг интервьюнамо гапларимиздан зерикди шекилли, латифа бошлаб юборди. У жуда латифага уста эди. Билмаган латифаси йўқ эди, зарур бўлиб қолганда эса, ўзи ҳам тўқиб юбораверарди. Алмисоқдан қолган эски латифаларни шу қадар дўндириб айтардики, завкланиб кулаверганингиздан кўзларингиздан ёш чиқиб кетарди. Тошпўлатдан кейин навбат Неъматга ўтди. Буни қарангки, Неъмат латифагўйликда Тошпўлат Ҳамиддан устамонроқ экан. Неъмат латифагўйгина эмас, умуман, оғзаки ҳикояга зўр экан. Баайни Иракий Андронниковнинг ўзи! Қизиғи шундаки, у ҳаммамиз яхши биладиган воқеаларни ҳикоя қилар ва унинг талқинида бу воқеалар бағоят кулгили эшитилар эди. У кимларнингдир гап оҳангини, юз ифодаларини,

қўл ҳаракатларини шу қадар бошлар эдики, беихтиёр ўша одамнинг қиёфаси бир зумда кўз ўнгингизда жонланарди-қоларди Унинг оғзаки ҳикоялари ёрқин деталларга, характерли чизгиларга жуда бой эди. Буларни кўриш учун алоҳида ўткир нигоҳ керак эди. Бундан ташқари, Неъматнинг сўзга чечанлиги, ташбеҳларга усталлиги, Бухоро шевасининг нафис оҳанглари, бетакрор жилоларини яхши билиши, теша тегмаган халқ ибораларидан моҳирона фойдаланиши ҳам бу ҳикояларга ажиб бир тароват бахш этарди. Хуллас, унинг латифагўйлиги ҳам, оғзаки ҳикоялари ҳам Неъматнинг ижодда ўн гулидан ҳали бир гули очилмаганидан, ёзувчи сифатида анчагина ички имкониятларга эғалигидан далолат берарди. Кейинчалик, чиндан ҳам, бу умидлар тўла рўёбга чиқди. 1973 йилда Тошкентга «Муштум» таҳририятига ишга таклиф қилинди. Неъмат роса ўн уч йил шу таҳририят бағрида самарали меҳнат қилди. «Муштум» таҳририяти унинг ёзувчи сифатида балоғатга етишида, ғоявий жиҳатдан чинқишида катта роль ўйнади. Ўтган йиллар мобайнида Неъмат халқ ҳаётини пухта ўрганди, адабий ижоднинг моҳияти ва мақсадларини чуқур англаб етди.

Сўнги ўн беш йил ичида Неъмат Аминовнинг тўртта ҳикоялар тўплами босмадан чиқди. Булар: «Лабиховуз хандалари», «Жигари тўкилди», «Тилло табассумлар», «Чинорлар қўшиғи»дир. 1976 йилда у «Елвизак» қиссасини эълон қилди. Орадан саккиз йил ўтгач, муаллиф «Елвизак»нинг ёнига иккинчи қисса – «Суварак»ни қўшиб, «Ёлғончи фаришталар» номи билан чоп эттирди. Неъматнинг ҳикоя ва қиссалари адабий ҳаётда изсиз, таъсирсиз ўтиб кетгани йўқ – улар адабий танқидда жиддий баҳсларга сабаб бўлди, кўпгина китобхонлар муаллифга талай мактублар йўллаб, унинг асарларида

қаламга олингай воқеалар ҳаётий эканини, яратган қаҳрамонлари ҳам мавжуд ҳаётдан олинган одамлар эканини таъкидлашди. Китобхон юракдаги дардларини Неъмат Аминов билан ўртоқлашиб, муҳим муаммолар бўйича маслаҳатлашадиган бўлиб қолди.

Неъмат Аминовнинг кўпчилик асарлари юксак ғоявий-бадий фазилатларга эга. Шунинг учун ҳам улар бир қатор қардош республикаларда ҳам китобхонларнинг эътиборини қозонди. Унинг ҳикоялари рус, украин, белорус, тожик, козок, туркман, қалмиқ тилларига таржима қилинган. Бундан ташқари немис, поляк, чех, румин, болгар, мўғул тилларида ҳам унинг айрим асарлари босилган. Шундай қилиб, қарабсизки, яқиндагина адабиётга «бўладиган бола», «умидли истеъдод эгаси» сифатида кириб келган Неъмат Аминов муттасил ўз устида ишлагани, тинмай ўқиб-ўргангани туфайли бугун адабиётимизнинг таниқли намояндаларидан бирига айланди. Кечагина у Абдулла Қодирийни устоз билиб, ундан маҳорат сирларини ўрганган эди. Кечагина у Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳорлар мактабининг иқтидорли шогирди эди, бугун эса ўзи теварагига бир талай шогирдларни йиғиб олиб, уларга ҳажвиёт сирларидан сабоқ бермоқда. Хуллас, бугунги адабиётимизда Неъмат Аминовнинг ўз ўрни бор. У Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, Фарҳод Мусаҷонов, Саъдулла Сиёев каби қаламкаш биродарлари билан бирга ўзбек насрининг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Неъмат Аминовнинг адабиёт даргоҳига қадам қўйганига чорак аср бўлди. Шу йиллар мобайнида унинг ижодида алоҳида бир фазилат шаклланиб, рўйирост намоён бўлдики, буни ҳажвиётга садоқат деб аташ мумкин. Буни таъкидлаётганимнинг

сабаби бор: ҳажвиёт шундай соҳаки, унга узок йиллар давомида содиқ қолиш – ўзига хос фидойилик билан баробар. Бундай садоқат ёзувчидан кучли бардошни, сабр-тоқатни, жасоратни талаб қилади. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Аввало ҳажвчи бўлиш учун алоҳида истеъдодга эга бўлмоқ керак. Ҳажвчилик истеъдоди эса жуда ноёб истеъдод. У ёзувчилик истеъдодидан ҳам ноёброқ. Ҳажвчи бўлиш учун инсон характери гавдалантириб, ҳаёт зиддиятларини бадиий тадқиқ этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳажвчи ходисалар замиридаги кулгини топа билиши ва айни чоғда кулги замиридаги одамларга ибрат бўладиган салмоқли маънони чиқара билиши керак. Ҳаётда кўпинча одамларнинг жиддий хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, қилмиш-қидирмишлари тагида ҳам муайян юмор, бирон кулгили жиҳат бўлиши мумкин. Оддий кўз билан қараганда, бу юмор кўрина қолмайди. Уни илғаш ва қоғозга тушириш учун ҳам алоҳида нигоҳ ва айрича қобилият зарур. Ҳажвчи кулгини пайқаш билан чекланмай, уни асарда қайта яратиши, янгидан жонлантириб бериши ҳам керак. Ҳажвчининг асарини ўқиган китобхон муайян иллатлар ҳақида ахборот олиш билан бирга, қалбида уларга қарши оташин нафрат туйғусини ҳис қилиши, улар устидан қаҳ-қаҳ уриб кулиши лозим. Китобхонни кулдириш эса ҳеч қачон осон бўлган эмас. Бу – масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати шундаки, ҳажвиёт жамият ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да, танқид келажакнинг меваси, деб ҳисобланса-да, танқид қилинганлар, ҳажв тиғи остига олинганлар асло танқидни хуш кўрмайдилар. Боз устига уларнинг аксарияти ҳажвчини ёқтирмайди, уни пастга уришга, ҳажвий асар аҳамиятини йўққа чиқаришга тиришадилар. Айниқса, ҳажв қилинган

одамнинг амали юксакроқ бўлса, қўли узун бўлса, у ҳажвчини таъқиб қилиши, ёмонотликқа чиқариб, ундан ўч олиши ҳам мумкин. Бундай пайтларда ҳажвчи иззат-икром кўриш ўрнига, бошидан қора кунларни кечириши ҳам ҳеч гап эмас. Ижодда ҳажвиётни танлаган адиб ҳажв қилинганларнинг таъна-дашномларига, дўқ-пўписаларига, таҳдид ва тазйиқларига дош бера оладиган бўлиши ҳам керак. Хусусан, бу ҳол йиллаб давом этса, уларга чидаш учун зўр сабот ва жасорат зарурлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам Неъматнинг ўз танлаган йўлига садоқатини, ижодкорнинг жиддий фазилати, деб атадим. Ана шу фазилати туфайли у элу юртга танилди, она-Ватани Бухородагина эмас, ҳатто хориждаги кўп сонли китобхонлар меҳрини ҳам қозонди. Шундоқ экан, савол туғилади: Неъмат Аминов эришган бу қадар муваффақиятнинг асосий омили нимада? У адабиётга қандай янгилик олиб кирди – анъаналарга бой ўзбек ҳажвиётини қандай янгиликлар билан бойитди-ю, унинг «аҳоли»сини қайси образлар ҳисобига кўпайтиролди?

* * *

Неъмат Аминовнинг адабиётга қўшган ҳиссаси ҳақидаги гапни унинг ҳажвий ҳикояларидан бошлаган маъқул. Тўғри, Неъмат Аминов ҳар қандай фаол ижодкор каби ўз фаолиятини фақат битта жанр билан чеклаб қўйган эмас. У юзлаб фельетонлар ҳам ёзган. Шуниси эътиборга лойиқки, унинг фельетонлари фақат ички ҳаётимиз муаммоларига бағишланган эмас. Улар орасида халқаро мавзуларда ёзилганлари ҳам анчагина. Уларда турли-туман уруш оловини ёқувчи корчолонлар, бутун-бутун халқларни асоратда сақлашга интилаётганлар, халқлар ўртасида низо ва нифокни авж

олдираётганлар кескин танқид қилинади. Неъматнинг фельетонлари катта маҳорат билан ёзилган, уларда ўткир иборалар, маънодор образлар кўп. Шунинг учун ҳам Неъмат қисқа муддат ичида моҳир фельетончи сифатида танилди.

Неъмат Аминов фельетонларгина эмас, адабий-танқидий мақолалар, эсселар ҳам ёзган. Улар кўп бўлмаса-да, мазмунан теранлиги билан ажралиб туради ва муаллифнинг муҳим масалалар устида теран фикрлай олишидан далолат беради.

Неъмат Аминовнинг бадиий таржима соҳасида ҳам хизматлари катта. У қардош халқлар адабиётидан ҳам, жаҳон адабиётидан ҳам анча-мунча ҳажвий асарларни ўзбек тилига ағдарди. Булар орасида Мольернинг «Сохта оқсуяк», Б.Нушичнинг «Министрнинг жаноб олиялари», Дерфашнинг «Тирқиш», С.Михалковнинг «Думалоқ хат», Г.Горнининг «Сен ким-у, мен ким?» каби комедиялари, А.П.Чехов, М.Зошченко, О.Вишня, Азиз Несин каби ёзувчиларнинг насрий асарлари бор.

Албатта, буларнинг ҳаммаси тўғрисида анча батафсил тўхталиб, адибнинг ижодий қиёфасини тўлиқроқ очишга интилиш мумкин. Бироқ, мен Неъмат Аминовнинг бу хизматларини сира камситмаган ҳолда унинг ҳажвий ҳикоялари тўғрисида мулоҳаза юритмоқчиман.

Неъмат Аминов шу пайтга қадар олтига ҳикоялар тўпламини нашр қилдирди. Уларга адибнинг юздан ортиқ ҳикоялари кирган. Улар орасида «Қассоб бобонинг ити», «Тарбиявий соат», «Илмий мақола» каби ҳикоялари ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги бақувват бўлиб, бугунги ўзбек ҳажвиётининг юксак бўй-бастидан, кенг кўлампидан, баланд савиясидан ҳам далолат беради. Менинг бу мулоҳазамни ўқиган китобхон ажабланиши мумкин – ахир, бу фикр бугунги ҳажвий ҳикоялар ҳақида шу кеча-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4600> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4600> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4600>